

Швейсария элчиси билан учрашув



2015-йилнинг 9-сентябр куни Ўзбекистон Республикаси [ташки ишлар](#) вазири Абдулазиз Комилов Швейсария Конфедератсиясининг янги тайинланган Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Штефан Клетслини қабул қилди.

Елчишонч ёрлиқлари нусхасини топширди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон-Швейсария муносабатларининг долзарб масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвеститсия, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда алоқаларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, 2014-йилнинг ноябрида Швейтсария Конфедератсияси Президенти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЙХХТ) амалдаги раиси Дидие Буркхалтернинг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда Президент Ислон Каримов билан бўлиб ўтган муфассал музокаралар олий даражадаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш ваикки томонлама алоқаларга янги тус бериш имконини яратди.

Сухбат чоғида мунтазам вазирликлараро мулоқотлар ўтказиш амалиётини давом эттириш, парламентлараро алмашинувларни йўлга қўйиш, икки давлат бизнес доираси вакиллари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашувда айрим халқаро вазинтақавий муаммолар ҳаммуҳокама қилинди.

"Ўзавтойўл" АК Матбуот хизмати